

BAS MAQALA

ИНСТИТУТИМИЗ БИТИРУВЧИСИ ҚАЛЛИБЕК КАМАЛОВ –
АТОҚЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ

Қувондиқ Қодиров – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти биринчи проректори

Мамлакатимиз тарихида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган давлат ва жамоат арбоблари орасида институтимиз битирувчиси хурматли Қаллибек Камалов номи алоҳида хурмат билан тилга олинади. Унинг ҳаёти ва фаолияти халққа садоқат, юрт тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилишнинг ёрқин намунасидир. Қаллибек Камалов нафақат тажрибали раҳбар, балки кўп миллатли халқимиз дарди билан яшаган, мамлакатимиз равнақи ва келажаги учун сидқидилдан хизмат қилган инсон сифатида ҳам тарихда қолди.

Айниқса, унинг Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўшган ҳиссаси, таълим ва маданият соҳаларига қаратган эътибори, ёш авлод тарбиясига бўлган саъи ҳаракатлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак, илм-фан ва маърифатнинг жамият тараққиётидаги ўрнини чуқур англаган ҳамда уларнинг тараққиёти йўлида тинимсиз меҳнат қилган Қаллибек Камалов ўша даврдаги Қорақалпоғистон давлат педагогика институти (ҳозирги Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти) битирувчиси эканлиги бизнинг фахримиздир.

Институтимиз битирувчиси Қаллибек Камаловнинг болалик йиллари халқ ҳаётидаги мураккаб даврларга тўғри келган бўлса-да, у ёшлигидан илм олишга интилиб, мактабдаги фаоллиги, билимга чанқоқлиги ва ташкилотчилик қobiliяти унинг келажакда эл азамати бўлиб етишишига замин яратди.

«1942 йил Амударё суви тошиб, Тўрткўлни сув босганлиги туфайли Муаллимлар тайёрлаш институти Чимбойга педучилище биносига кўчирилди. Ўша йил мен Тахтақўпир туманидаги мактабнинг 9-синфини «аъло» баҳолар билан тугатиб, Чимбойдаги Муаллимлар тайёрлаш институтининг 1-курсига ўқишга қабул қилиндим. Аммо, уруш туфайли юзага келган оғир турмуш шароити сабабли ўқишни давом эттириш имкони бўлмади. Уруш тугагандан сўнг 1955 йилда ушбу таълим даргоҳини «Аъло диплом» билан тамомладим», – деб ёдга олган эди институтнинг 90 йиллиги муносабати билан ташкил этилган интервьюсида.

Қаллибек Камалов пединститутни Қорақалпоғистонга кўплаб малакали кадрлар тайёрлаб берган «Дастлабки илм ўчоғи» деб таърифлаб, Москвада таҳсил олган, педагогика фанлари доктори Жумек Уринбаев, рус филологияси бўйича фан доктори бўлган Нағмет Уринбаев, Тошкентда таълим олган Турдимурат Бекимбетов, Айтжан Есемуратов каби етук педагоглар ёшларга таълим-тарбия берганлиги, бунинг натижасида

пединститут битирувчилари нафақат Қорақалпоғистонда, балки Ўзбекистон, балки Қозоғистон, Туркменистон ва бошқа республикаларда халқ хўжалигининг барча соҳаларида фаолият юритиб, мамлакатимизнинг янги қиёфа касб этиши, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга катта ҳисса қўшганлигини алоҳида қайд этган эди.

Улар орасидан институт битирувчиларидан Қурбанбай Абдиров, Толибай Шербеков, Ниязбек Қойлибаев, Султамурат Қаниязов, Алибек Казбеков, Камал Рзаев, Қайипберген Юсупов ва бошқа арбоблар юртимизнинг иқтисодий ривожлинишига салмоқли ҳисса қўшганлиги, Хожамберген Ембергенов, Бердибай Қурбанов ҳамда Қаллибек Камалов меҳнат қаҳрамони, Алланияз Утениязов, Ғайратдин Хожаниязов, Вера Пак, Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қайипбергеновнинг Ўзбекистон Қаҳрамони, Марат Нурмухаммедов, Сабир Камалов, Жуманазар Базарбаев, Ҳусниддин Ҳамидов, Амин Бахиев, Абатбай Даўлетов академик унвонларига муяссар бўлганлигини фахр ва ғурур билан тилга олган эди, ўша суҳбатда.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур таълим муассасаси ўша даврда республика учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутган. Институтда олган билими, устозлардан ўрганган ҳаётий сабоқлари Қаллибек Камаловнинг келажакдаги раҳбарлик фаолиятида муҳим аҳамият касб этди.

Талабалик йилларидаёқ у жамоат ишларида фаол қатнашиб, ташаббускор ва масъулиятли ёш сифатида танилди. Унинг халқ манфаатини устун қўйиши, меҳнатсеварлиги ва адолатпарварлиги атрофдагиларнинг хурматини қозонди.

Қаллибек Камалов меҳнат фаолиятини турли соҳаларда бошлаб, кейинчалик давлат бошқарувидаги муҳим лавозимларда самарали иш олиб борди. У раҳбарлик қилган йилларда Қорақалпоғистоннинг ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта эътибор қаратилди.

Айниқса, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, сув таъминотини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш ишларида унинг хизматлари катта бўлди. Қорақалпоғистоннинг табиий шароити мураккаб бўлишига қарамайдан, у аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун бор имкониятларни сафарбар қилди.

Унинг раҳбарлиги даврида кўплаб ижтимоий объектлар қурилди. Янги мактаблар, касалхоналар, маданият уйлари, болалар боғчалари ва турар жой бинолари барпо этилди. Бу ишлар албатта, халқимизнинг ижтимоий ҳаёт сифати ошишига хизмат қилди.

Қаллибек Камалов халқ билан яқин мулоқот қилишни муҳим деб билар эди. У жойларга чиқиб, оддий инсонлар билан суҳбатлашар, уларнинг муаммоларини тинглар ва амалий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиларди. Шу жиҳатдан у халқпарвар раҳбар сифатида эл меҳрини қозонган.

Институтимиз битирувчиси Қаллибек Камалов таълим ва маърифат соҳасига катта аҳамият берган раҳбарлардан бири эди. Унинг фикрича, ҳар қандай жамият тараққиёти аввало билимли ва маънавиятли ёшларга боғлиқ. Шу сабабли у таълим муассасаларини ривожлантириш, ёшларни илм-фанга жалб қилиш ишларини доимий қўллаб-қувватлади.

Унинг ташаббуси билан қатор таълим муассасалари фаолияти яхшиланди, янги мактаб бинолари қурилди ва педагог кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, миллий кадрлар етиштириш, қорақалпоғистонлик ёшларнинг олий маълумот олиши учун имкониятларни кенгайтириш йўлида самарали ишлар амалга оширилди.

Қаллибек Камаловнинг илм-фан ва ёшлар таълим-тарбияси борасидаги фаолияти ҳақида сўз юритар эканмиз, бунда Қорақалпоғистонда янги университет очиш масаласининг нақадар долзарб бўлганлиги ҳамда бу борада унинг тинимсиз ҳаракатларини алоҳида қайд этиш зарур.

Қаллибек Камалов 1968 йилда Қорақалпоғистонда интеллектуал салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва мамлакатни комплекс ривожлантириш мақсадида янгидан университет очиш таклифи билан Москвага борганлиги, ўша пайтда розилик олиш учун Москвадаги педагогика институти ректори Тажен Изимбетов билан 13 марта Олий таълим вазири В.П.Елютин қабулида бўлганлигини сўзлаб берган эди.

Мана шундай қийинчиликларга қарамай 1974 йил февраль ойида Нукус шаҳрида пединститут базасида университет очиш қарорини чиқартиришга эришганлиги юртимиз илм-маърифатида катта тарихий воқеалик бўлган эди.

«Университет биносини 8 ойда куриб битказдик. Мен 3 ой ўз ишимдан қўл узмасдан, керак жойида «прораб» бўлиб, энг гўзал университет кампусини барпо этдик. Унинг очилишида Шароф Рашидов, барча ҳукумат аъзолари иштирок этди. Университетда муҳандис, агроном, гидротехник, экономист, юрист, журналист ва бошқа мутахассисликлар бўйича факультетлар ташкил этдик. Бу эса мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича малакали кадрлар тайёрлашга замин яратди», – деб эслаган эди.

Институтимиз битирувчиси, Қаллибек Камалов миллий маданият ва санъат ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. Қорақалпоқ халқининг тарихи, тили ва миллий қадриятларини асраш масалаларига доимо эътибор қаратиб келди. Маданият муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ижодкор ва зиёлиларни рағбатлантириш унинг фаолиятида муҳим ўрин тутди.

Қаллибек Камаловни халқ орасида ҳурмат қозонтирган муҳим омиллардан бири унинг инсонпарварлиги ва камтарлиги эди. У лавозим ва мансабдан қатъи назар, оддий инсонларга меҳр-оқибат билан муносабатда бўлганлиги бугун халқимиз тилида.

У ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга катта аҳамият берган. Айниқса, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, уларнинг билим олиши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун шароит яратиш масалалари унинг диққат марказида бўлган.

Қаллибек Камалов ҳалоллик, адолат ва масъулият каби фазилатларни ўз ҳаёти ва фаолиятида намоён этган инсон сифатида кўпчиликка ибрат бўлган.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ҳам Қаллибек Камалов ва унинг фаолиятига юксак ҳурмат кўрсатиб келинмоқда. Мамлакатимизда Қорақалпоғистонни ҳар томонлама ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш ва миллий қадриятларни асраш борасида амалга оширилаётган ислохотларда Қаллибек Камалов каби фидойи давлат арбобларининг бой тажрибаси ва ибратли ҳаёт йўли алоҳида эътироф этилади. Президент Шавкат Мирзиёев ўз чиқишларида Қорақалпоғистон халқининг меҳнаткаш ва матонатли эканини таъкидлар экан, республика тараққиётига муносиб ҳисса қўшган арбоблар хотирасига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурлигини қайд этиб келади. Бу эса Қаллибек Камалов каби юрт равнақи йўлида хизмат қилган инсонларнинг мероси бугунги кунда ҳам юксак кадрланаётганидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, институтимиз битирувчиси Қаллибек Камалов мамлакатимиз тарихида ҳар томонлама чуқур из қолдирган давлат ва жамоат арбобидир. Унинг ҳаёт йўли ва фаолияти ёш авлод учун ҳақиқий ибрат мактабидир. Ватанга муҳаббат, халққа садоқат, ҳалол меҳнат ва инсонпарварлик каби юксак инсоний фазилатлари доимо ёдимизда сақланади. Унинг кўп миллатли халқимиз фаровонлиги, юрт тараққиёти, таълим ва маданият соҳалари ривожини йўлида амалга оширган эзгу ишлари халқимиз, хусусан ёшларимиз томонидан доим юксак кадрланади.